

## ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ВА МАМЛАКАТИМИЗ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Mazkur maqolada xorijiy davlatlar va mamlakatimiz kredit-modul tizimi haqida umumiy ma'lumotlar, tizimlarning qiyosiy tahlili hamda ularning afzalliklari yoritib berilgan. Muallif kredit modul tizimining mamlakatimiz oliy ta'lim tizimidagi tadbiqu va ahamiyatini ochib beradi.

**Kalit so'zlar.** Kredit modul, kredit soat, USCS, ECTS, CATS, UCTS, UMAP, tyutor.

В данной статье рассматриваются общие сведения о кредитно-модульной системе зарубежных стран и нашей страны, проводится сравнительный анализ этих систем и их преимуществ. Автор объясняет применение и значение кредитно-модульной системы в системе высшего образования нашей страны.

**Ключевые слова.** Кредит модуль, кредитные часы, USCS, ECTS, CATS, UCTS, UMAP, тьютор.

This article discusses general information about the credit-module system of foreign countries and our country, and provides a comparative analysis of these systems and their advantages. The author explains the application and significance of the credit-module system in the higher education system of our country.

**Key words.** Credit module, credit hours, USCS, ECTS, CATS, UCTS, UMAP, tutor

Барчамизга маълумки кредит соатли таълим тизими биринчи бўлиб Америка қўшма штатларида қўлланила бошланган. АҚШда қабул қилинган USCS (US Credit System) тизимида кредит – бу таълим олиш вақтига асосланган ўлчов бирлиги бўлиб, бакалавр даражасини олиш учун камида 4 йилда 120 кредит, магистр даражасини олиш учун 1-2 йилда – 30-60 кредит, докторлик дастурлари бўйича таълим олишда 3-4 йилда 60-90 кредит йиғиш белгиланган.

Япония таълим тизими эса американинг USCS тизими асосида фақат биргина фарқ билан қурилган “кредит-соат” атамаси “синов бирликлари” (units) атамасига алмаштирилган. Адолат нуқтаи назаридан, АҚШнинг бир неча университетлари, хусусан, Массачусетс техника университети бир хил атамадан фойдаланади. Бакалавр даражасини олиш учун япон талабаси университетда 4 йил, бунда 2 йил мутахассислик бўйича кенг қамровли таълим, охириги 2 йилда эса мутахассислик бўйича ўқиши лозим. Фанлар мажбурий ва танлов фанларига бўлинади.

Японияда талаба семестр давомида баъзи бир курсларни ҳафтасига бир соатгина эшитиши ва бакалавр даражасини олиш учун 146 синов бирликларини йиғиш талаб этилади.

Японияда пост – университет таълим босқичи 2 қуйи босқичдан иборат: яъни 2 йил давом этадиган ва магистр даражасини олувчи “master course”, 3 йил давом этувчи ҳамда докторлик даражасини олиш билан тугайдиган “doctor course” босқичи.

Хитой таълим тизимини Чингхуа университети, Пекин давлат университети, Пекин техника университети, Жилиан университети мисолида ўрганиш тажрибаси шуни кўрсатадики, Хитойда Америкага ўхшаш 3 босқичли таълим тизими жорий қилинган. Бакалавр даражасини олиш учун 120 кредит, магистр даражасини олиш учун 30-60 кредит йиғиш керак. Ўқув йили 2 семестрга бўлинади ва 1 сентябрдан бошланади. Бироқ семестрнинг давомийлиги, Америка тизимидан фарқли равишда 20 ҳафта бўлиши мумкин. Университетларда ўқиш муддати 4-5 йил, тиббиёт университетларида 7-8 йил, маҳорат техника мактабларида эса 2-3 йил қилиб белгиланган.

Германияда олиш таълим одатда беш йил давом этади, бироқ ҳозирда тўрт йиллик курслар ҳам мавжуд. Олий ўқув юртларига ўқишга киришдан олдин абитуриентлар пуллик тайёрлов курсларида ўқишади. Университет таълими икки босқичдан иборат, булар – “Vordiplom” (дастлабки диплом) лицензиат даражаси бериладиган таянч (3-4 та семестр) босқич ва “Magister Artium” магистрлик даражаси бериладиган асосий (4-6 та семестр) босқич (техник мутахассисликларда бунинг ўрнига мутахассис дипломи тақдим этилади). Таянч таълим босқичи якунида дипломолди имтиҳони ўтказилади. Диплом имтиҳони эса табиий, техник, ижтимоий ва иқтисодий фанлар якунлангандан сўнг ўтказилади. Асосий дипломни олиш учун диплом иши ёзилади, бу давр 1-2 семестрлик даврларда олиб борилиши мумкин.

Швецияда 1 швед кредити университетда 1 ҳафта ўқишга тенг деб қабул қилинган. Бу тизим ўқув режаларини тузишни ва талабаларнинг бажарган ўқув соатларини ҳисоблашни енгиллаштириш учун жорий этилган. Швеция университетларида ўқув йили 40 ҳафта давом этади ва кузги ҳамда баҳорги семестрлардан иборат бўлади. Шундай қилиб, талаба ўқув йили давомида маъруза, яқка тартибдаги ишлар ва бошқа ишларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 40 кредит тўплайди.

Бакалавр даражасини олиш учун 3 йиллик ўқиш давомида 120 кредит олиш керак. Магистратурада ўқиш 1-1,5 йил (60 кредит), докторантурада эса – 2-4 йил давом этади.

Швеция кредитларини Европа ECTS кредитлари билан таққослаш учун улар 1,5 га кўпайтирилади. Масалан бакалавриятдаги 120 Швеция кредити 180 ECTS кредитига, магистратурадаги 60 Швеция кредити – 90 ECTS кредитига тенг бўлади.

Буюк Британияда таълим тизими Бирлашган Қиролликнинг CATS (Credit Accumulation and Transfer Scheme/System – кредит йиғиш ва алмашиш схемаси/ тизими) кредит-модуль тизимига асосланган бўлиб, унинг мақсади кўплаб малака сертификатлари тизимининг ҳар бир турига муайян миқдордаги кредитларни белгилаш орқали уларни тартибга солиш ва бирлаштиришдан иборат. Ушбу кредитларни йиғиш ва узатиш тизими Буюк Британия, Жанубий Африка ва Янги Зеландияда кенг тарқалган.

CATS да академик йил 1200 шартли соатни ёки 120 кредитни ўз ичига олади, яъни бундан 1 Британия кредити 10 шартли ўқув соатига тенг эканлигини тушуниш мумкин. Таълимнинг шартли соати сифатида ўқувчининг таълим натижаларига эришиш учун ўртача сарфлаши керак бўлган соатлар миқдори тушунилади. Мазкур шартли вақт аудитория машғулотларини, асосий амалий, лойиҳалар устидаги ишларни, мустақил таълимни, имтиҳонларга тайёрланиш ва топширишни, яъни белгиланган даражадаги натижаларга эришиш билан боғлиқ барчасини ўз ичига олади. Британия университетиде бакалавр даражасини олиш учун 3 йил таълим олиш ҳамда 360 инглиз кредитларини йиғиш талаб этилади. Тўртинчи

йил талабаларга “имтиёзли бакалавр” даражасини олиш имкониятини беради. Барча университетларда тиббиёт, стоматология ва архитектура факультетларида ўқиш етти йилгача давом этади.

Европа мумкин қадар максимал бирлашиш ва миллий тизимларнинг баҳолаш даражаларини тенглаштириш бўйича умумевропа андозаси ECTS тизимида муқаррар эҳтиёждан келиб чиқиб мантиқан тўхталди. Сўнгги қарорга кўра, европа кредити – тьюторнинг талаба билан контакт соатлари ҳажмининг шартли бирлиги бўлди. Ўртача бир ўқув йилида ҳар бир талаба 60 европа кредитини тўплаши керак бўлди.

Европа, Америка ва Британия синов бирликлари тизими билан бир қаторда Осиё-тинч океани минтақаси учун университет кредитларини узатиш тизими UCTS (University Credit Transfer System) ҳам мавжуд бўлиб, унда бу минтақанинг айрим йирик давлатлари, яъни Япония ва Хитой кўшилмаган. Ушбу лойиҳанинг учувчи схемаси 5 йилга мўлжалланган бўлиб, UMAP (Осиё-тинч океани минтақасидаги университет мобиллиги) фаолиятига ёрдам бериш мақсадида UMAP фаолияти доирасига кирувчи ҳудудларда, шунингдек дунёнинг бошқа минтақаларида хорижий олий таълим муассасаларида таълим олиш мақсадида олинган кредитларни кафолатли тан олиш орқали талабалар алмашинувини янада самарали амалга оширишга ёрдам беришга қаратилган.

Шунингдек, UMAP университетларни рағбатлантиради ва талабалар алмашинувини амалга ошириш шартлари батафсил баён этилган икки томонлама келишувлар имзолашда уларга ёрдам беради.

UCTS кредит ўлчов бирлигида худди ECTS га ўхшаб бир академик йил 60 кредитга тўғри келади. UCTS кредит ўлчов бирлиги фақат конвертация ўлчови сифатида ишлатилади, у қабул қилувчи ва юборувчи олий таълим муассасаларида мавжуд кредит тизимларини ўзгартириш сифатида ишлатишга мўлжалланмаган.

UCTS бир академик йил учун 60 кредитга ва ECTS моделига асосланган бўлса-да, бу тизим ECTS моделининг анча соддалаштирилган кўринишидир. UCTS фақат институтлар ўртасида талабаларнинг ўқув юкларини ва баҳосини ўтказиш учун мўлжалланган, у ҳар қандай олий таълим муассасаларида мавжуд бўлган тизимларни ўзгартиришни назарда тутмайди. UCTS да факультет вакили фақат UCTS дан фойдаланиш бўйича умумий тавсиялар амалга оширади ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик воситаси ҳисобланади. Талаба ўзи учун ўзи чет элда ўқиш учун дастур тайёрлайди. Бундай дастур тайёрлангандагина, юборувчи ва қабул қилувчи институтлар муайян дастур асосида фанни ўзлаштирганлик учун талабага бериладиган кредитларга нисбатан ўзларининг розилиklarини билдирадilar.

Шундай қилиб, нафақат мамлакатларнинг таълим тизимларида “кредит” атамасини тушунишда, талқин қилишда ҳам сезиларли фарқлар мавжуд. Агар Европа кредити ўз ҳажми бўйича барча соатларни худди аудиторияда бўлганидек ундан ташқаридагисини ҳам қамраб олса, америка кредити талаба мустақил таълим билан ўқитувчи раҳбарлигида икки баробар кўпроқ шуғулланишини инobatга олиб фақатгина аудиториядаги вақтларни ҳисобга олади.

Европа кредитларида талабалар аудиторияда ўқитувчи билан қанча вақт ўтказиши ҳақидаги савол ҳамиша ноаниқлигича қолади ва бу рақамлар эса курсга, университетга ва ўқитувчига қараб ўзгариши мумкин. 2004 йил апрел ойида Ed-net таълим тармоғи томонидан ўтказилган “Таълим бозорининг глобаллашуви:

Марказий Осиё университетларининг ислоҳотлари” мавзусидаги 4-халқаро конференциясида Европа таълим дастурларини ўзлаштиришнинг мураккаблиги, шунингдек, фанларни ўрганишнинг аудитория соатлари миқдори билан боғлиқ бўлган нарсаларни аниқ аниқлай олмаслиги қайд этилди. Натижада конференцияда 1 ECTS кредити 24-36 иш соатларини ташкил этиши, аудиториялар, коллоквиумлар, кутубхоналарда, конференцияларда ва муҳокамаларда иштирок этиш ва бошқа турдаги барча ўқишда бевосита контактда бўлган машғулотларни ўтказиш шулар жумласига киради деган хулосага келинди. ECTS тизимида 60 кредит – бир йиллик таълимга, 30 кредит – бир семестрга, 20 кредит – трисеместр ўқишга тўғри келади. Америка кредити билан таққослаганда, Европа мамлакатларида талабалар аудиторияларда бир хил миқдордаги вақтни сарфлашади; қолган вақтни ўқитувчининг раҳбарлиги остида талабанинг мустақил таълими дея аташ мумкин. Акс ҳолда, ўнлаб йиллар давомида талабалар Европа университетларидан америка университетларига қандай ўқишни кўчиришларини ёки аксини тушуниб бўлмас эди. ECTS кредитлари ҳар бир ўқув фани учун умумий ўқув юкларини назарда тутадиган иш ҳажмини билдиради, иш соатлари негизида эса, эҳтимол барча контакт вақтлари тушунилади.

Юқорида келтирилган дунёнинг таълим тизимлари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда АҚШ кредитлари (USCS), Европа (ECTS) ва Осиё-тинч океани кредитларига (UCTS) осонгина кўчирилади.

1 америка кредит соати = 1 хитой кредитига = 1 япон синов бирлигига = 2 европа кредитига = 2 осие-тинч океани кредитига = 4 британия кредитига тенг.

Кредит таълим тизимини жорий этишни ўрганиш ва таҳлил қилиш дунёнинг турли мамлакатларида ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, таълимда кредит тизимининг самарадорлиги ва фойдалилиги дунёнинг кўплаб давлатларининг таълим тизимида кенг тарқалиши билан асосланади, чунки талабаларнинг мустақил ишлашини ривожлантиришга қаратилган таълим дастурлари ижодий фаоллик даражасини ва билимларни ўзлаштиришда ўз-ўзини ривожлантиришга, бу эса ўз навбатида таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Қуйида мамлакатимиз ва хорижий давлатлар кредит тизимининг қиёсий жадвали келтириб ўтилган:

№	Мамлакатлар (кредит тизимлари)	Бакалавр		Магистратура		Докторантура	
		таълим йили	кредит соати	таълим йили	кредит соати	таълим йили	кредит соати
1	АҚШ (USCS)	4	120	1-2	30-60	3-4	60-90
2	Германия (ECTS)	3-4 (5)	180-240	1-2	120	3	Кредитсиз
3	Буюк Британия (ECTS)	3(4)	360	2	120	3	Индивидуал
4	Швеция (ECTS)	3	360	2	120	3	Индивидуал
5	Япония (UCTS)	4	180-240	2	32-60	3	12-90
6	Хитой (UCTS)	4	120	1-2	30-60	3-4	60-90

7	Ўзбекистон ТКТИ (ECTS)	4	240	2	120	3	Индивидуал
---	------------------------	---	-----	---	-----	---	------------

Ўзбекистон Республикаси Перзидентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”га мувофиқ мамлакатимиздаги Олий таълим муассаса(ОТМ)ларининг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит модуль тизимига ўтиши режалаштирилган. Бу эса яқин йиллар давомида мамлакатимиздаги барча ОТМлари кредит-модуль тизимида фаолият юрита бошлашдан дарак беради. 2020-2021 ўқув йилининг ўзида мамлакатимиздаги 35 та, 2021 йилдан эса яна кўплаб ОТМлари кредит- модуль тизимига ўтиши ҳамда мазкур ОТМларда асосан ECTS (European Credit Transfer System) тизимининг жорий этилиши кўзда тутилган. Янги тизим даставвал 1-курс, кейинчалик барча курслар ўқув датурларида жорий этилиши режалаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш тартиби жорий қилинди. Мамлакатимиз олий таълим тизимида кредит модуль тизими жорий қилинган ОТМларидан мисол сифатида Тошкент кимё-технология институтини келтириш мумкин. Ушбу ОТМда бакалавр даражасини олиш учун 240 кредит, магистратура мутахассислигини олиш учун 120 кредит тўплаш лозим. Бундан ташқари бошқа ОТМларида ҳам худди шундай тизим йўлга қўйилмоқда.

Кредит тизимининг асосий тамойиллари ва элементлари Ўзбекистон олий таълим тизимига узоқ вақт давомида инновациялар шаклида татбиқ қилиб келинди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Масалан, кадрлар тайёрлашда икки босқичли олий таълим – бакалаврият ва магистратура, ҳамда икки босқичли докторантура йўлга қўйилди, ўқув режаларида танлов фанлари жорий этилди, мустақил таълим турлари ва уларнинг ҳажми аниқ белгилаб қўйилди, ҳафталик аудитория юктамалари 30 соатгача қисқартирилди, амалий машғулотлар ва малакавий амалиётлар ҳажми оширилди, академик алмашилиш дастурлари ва дипломлар нострификацияси йўлга қўйилди, мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони қисқартирилди, ва ҳ.к. Ушбу амалга оширилган ишлар кредит-модуль тизимига мос элементлар бўлиб бизнинг бу тизимга ортиқча қийинчиликларсиз ўтишимизга ёрдам беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Jessica Shedd (2003), "The History of the Student Credit Hour". New Directions for Higher Education. 122 (Summer) (122).
2. “Основы кредитной системы обучения в странах мира”. Ескиндинова Маншук Жумабаевна. Евразийский национальный университет им. Л.Н. Гумилева, Казахстан. 2010.
3. Усмонов Б.Ш, Хабибуллаев Р.А. “Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит модуль тизимида ташкил қилиш”. Тафаккур нашриёти.: 2020
4. Абдыкаримов Б.А., Андасова Б.З. Организация самостоятельной работы студентов по кредитной системе обучения, электронный ресурс.

5. Credit Transfer and Accumulation — the Challenge for Institutions and Students, EUA/Swiss Confederation Conference, ETH Zurich, 11-12 October, 2002.

6. European Commission ECTS Guide of 2015. Available at [https://ec.europa.eu/education/ects/users-guide/docs/ects-users-guide\\_en.pdf](https://ec.europa.eu/education/ects/users-guide/docs/ects-users-guide_en.pdf)

7. Robert Wagenaar, A History of ECTS, 1989-2019. Developing a World Standard for Credit Transfer and Accumulation in Higher Education. International Tuning Academy, 2020. Available at [https://www.rug.nl/research/portal/files/111591811/A\\_History\\_of\\_ECTS\\_1989\\_2019\\_PDF.pdf](https://www.rug.nl/research/portal/files/111591811/A_History_of_ECTS_1989_2019_PDF.pdf)